O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **14** апрель, жума № **15** (2142).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **14** апреля, **2006** год, № **15** (2142).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Бизнинг армиямизда ҳарбий хизмат қиладиган ҳар бир ёш ўғлон ўз халқига керак эканини, унинг жанговар меҳнати Ватан учун зарурлигини, унга давлат ва жамият томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ғамхўрлик кўрсатилишини доимо сезиб туриши, ҳар қадамида ҳис этиб туриши даркор.

**Ислом КАРИМОВ**

Истиқлол тимсоллари

## ЭЗГУЛИК АРКАСИ

**«Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истаксиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз — эзгулик йўлида хизмат қилишдир».**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.**



Ҳар тонг — бир хушхабар...

Мамлакатда ҳар куни, ҳар соатда бир хушхабар янграб туради.

Телевидениенинг тонг саҳардаги дастурларидан тортиб то тунги хабарларгача, радиотўлқинлару ҳар субҳидам оқ каптарлар каби Ватанимизнинг барча гўшалари сари парвоз этгувчи газеталарга қадар, албатта, ажиб бир янгилик, хуш муждадан дарак беради.

Мана, нима ҳақда сўйлайди улар: Сурхондарёдаги Ҳисор тоғлари бағрида Тўпаланг сув омбори ва янги ГРЭС қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда; бутун мамлакатда баҳорий ташвиш-юмушлар — экин-тикин ишлари авжида; кўҳна Насаф, Навоий бобо ўз асарларида "Нахшаб, Маҳи Нахшаб" — Нахшаб ойи деб гўзал бир ташбеҳ билан таъриф берган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан бошланган улкан тараддуд; ёш санъаткорларимиз, спортчиларимиз халқаро миқёсда қўлга киритаётган ютуқлар; дашту далалардан, боғ-роғлардан, корхоналардан келаётган хабарлар, яна ўнлаб, юзлаб сиёсий, маънавий-ижтимоий ўзгаришлар ва янгиликлар — буларнинг барчаси элу юртимизда эзгу ва улуғвор мақсадлар йўлида ҳаёт жўшқин давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Ҳаётнинг муаззам ва бақувват қанотларини ҳеч қандай куч қайиролмайди. Халқнинг "Мардлар минган отларинг номардларга хор бўлмас" деган лўнда, жайдари гапи бежиз айтилмаган.

Истиқлолимизнинг ўтган ўн тўртинчи йили ҳам муҳим воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Тараққиёт йўлидаги салмоқли ютуқлар, қувончли воқеалар билан бирга оғир синовларни ҳам бошдан кечирдик. Озод мамлакатимизга мудҳиш балоларни ёғдирмоқчи бўлган қора кучлар Андижон воқеалари мисолида ўз жирканч қиёфаларини яна бир карра кўрсатишга уринди. Жаҳонда эса... бунга қараб дўст-хайрихоҳларимиз астойдил қайғуришди, кимлардир чапак чалди. Ўзбекистоннинг яна қаерида бир тутун чиқаркин ёинки Тошкентнинг қайси бир маҳалласидаги симёғочда лампочка куяркин дея жар солишга илҳақ турган айрим хорижий радио ва уларнинг чаққон мухбирлари ёлғонни ямламай ютиш маҳоратини намойиш қилишди.

**(Давоми 3-бетда).**



*Ҳарбий спортчилар юртни шарафлар*

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**

## ОТАНИНГ ТАРБИЯДА НАМУНАСИ

Баркамол инсонни шакллантириш учун энг асосий жиҳатлардан бири сифатида оила тарбия назариясида мавжуд тажрибаларни таҳлил қилиб, нуқсонларни аниқлаш ва бартараф этиш, унинг мазмунини яхшилаш ва такомиллаштириш талаб этилади. Оила тарбиясини яхшиламасдан, такомиллаштирмасдан жамиятнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш мушкул.

Фарзандларни баркамол этиб шакллантиришда эса оилада ота намунасининг ўрни ва роли беқиёслиги барчага аёндир. Ҳақиқатдан ҳам улғаяётган фарзандларга ҳеч нарса намуна кучидек кучли тарбиявий таъсир кўрсата олмайди. Фарзандлар тарбиясида отанинг шахсан намуна бўла олиши улар камолотини ва оиланинг барқарор, мустаҳкам бўлишини таъминлайдиган муҳим омиллардандир. Шунинг учун ҳам оилада ота намунаси асосида фарзандларни баркамол этиб шакллантириш бағоят долзарб масала бўлиб қолмоқда. Демак, шаклланаётган фарзандларга ота шахсий намунасининг ўрни ва ролини оила шароитида педагогик асослаш – барча оилаларда фарзандларни баркамол этиб шакллантиришнинг асосий шартларидан.

**(Давоми 4-бетда).**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**



## ВАТАННИ ШАРАФЛАЙДИ СИЗДЕК ЎҒЛОНЛАР!

Чирчиқда бўлиб ўтган Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича иккинчи Умумармия ўйинларини кузатиб туриб, комил инсон, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз нечоғлиқ самара бераётганлигига амин бўлдим. Президентимизнинг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари иштирокчиларига йўллаган табригидаги «...Халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради», деган сўзлари беихтиёр хаёлимга келди. Шунга ҳамоҳанг иккинчи Умумармия ўйинлари иштирокчиларига «орангиздан балким мамлакатимиз спортининг ёрқин юлдузлари чиқар, ютуқларингиз билан юртимиз довруғини дунёга янада кенг ёярсиз. Энг асосийси эса соғлом турмуш тарзи асосида яшашга ўргатиб, навқиронлик ва баркамолликка ундайди, мазкур мусобақалар», дегим келди баралла.

**(Давоми 6-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## АРМИЯМИЗ – ТАЯНЧИМИЗ

Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан баралла айтишимиз мумкинки, истиқлол меваси бўлмиш миллий армиямиз ўтган ўн тўрт йил мобайнида тўла шаклланди, узоқни кўзлаб босқичма-босқич ўтказилаётган ҳарбийислоҳотлар натижасида у тобора профессионаллашиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай таъкидлайди:

**«Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш билан узвий боғланган, деб айтишимиз мумкин».**

Истиқлолимиз эълон қилинган кун – 1991 йилнинг 31 август куни ҳар биримизнинг, бутун халқимизнинг ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Ота-боболаримиз шу кунга эришиш учун курашган, биз орзиқиб кутган эдик. Адолат офтоби порлаб чиқди, она диёримизга мустақиллик келди. Юртимизга ҳурлик келди, озодлик келди. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат ёш республикамизда ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди.

**(Давоми 2-бетда).**

Муштарийларимизга

## САДОҚАТ, МАТОНАТ СИНОВИ

Армияни ҳаёт мактаби, йигитлик мактаби деймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби армия ҳаётдан улкан сабоқлар беради, йигит кишини ҳар томонлама тоблайди, чиниқтиради.

Маълумки, айни кунларда Ватанимиз посбонлари ортда қолаётган ўқув мавсумининг якунлари бўйича синовлар топширишга киришишган. Демакки, алп йигитларимизнинг ҳаёт мактаби бўлган армиядан қанчалар сабоқ олишаётгани синовдан ўтади.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм, бўлинма ва муассасаларида ўқув йили машғулотлари «Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи!» шиори остида ўтказилади.

Демак, посбонларнинг нафақат жанговар шайлигига, балки садоқатига, матонатига, масъулияти ва малакасига синовларда баҳо берилади.

Юртбошимиз шундай таъкидлайди: «Жанговар тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалатириш, уни илғор усул-услублар, моделлаштириш, компьютер ва информацион технологиялар, замонавий фан ютуқлари асосида ташкил этиш йўлида олиб бораётган ҳаракатларимиз, бир томондан, ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб танлаган инсонларнинг ақл-заковати ва маҳоратини оширишни тақозо этмоқда, иккинчидан, бугун ҳарбий хизматни ўташга ҳозирлик кўраётган ёшларимиз олдига янги, юксак талаблар қўймоқда».

Дарҳақиқат, бугуннинг посбони интеллектуал салоҳияти юксак, ҳарб илмини пухта эгаллаган, маҳорат бобида ҳеч кимдан қолишмайдиган, кам бўлмайдиган эр йигитлардир. Ишончимиз комилки, Ватанининг, халқининг синовларидан шараф билан ўтиб, асл ҳимоячиларга айланган марду майдонлар жанговар шайликлари юксак эканлигини исботлашиб, машғулотларда, эътироф этилаётган садоқат, матонат синовида янада юқори чўққиларни забт этишади.

**ТАҲРИРИЯТ**

Вести с контрольной проверки

## ПЛОДЫ НАПРЯЖЕННОГО ТРУДА

**В эти дни в частях и подразделениях в разгаре контрольная проверка за зимний период обучения. Настало время пожинать плоды напряженного труда. В частности в ходе контрольной проверки члены комиссии вышестоящего штаба положительно отозвались об уровне знаний в подразделении, где служит младший сержант по контракту А. Шодиев.**

Для воинов этого подразделения первые дни контрольных занятий выдались напряженными. Проверкой знаний, полученных в зимнем периоде обучения, было охвачено все. И на строевом плацу, и на дистанции кросса лучшими были младшие сержанты по контракту Б.Ишонов, А.Холмуродов, К.Очилов и рядовые Б.Адашев, Ш.Рискулов, Ш.Ахмедов. Их успех был во многом закономерным, ведь высокие оценки по предметам у них были в течение всего периода обучения.

В ходе проверки уровня знаний по общественно-политической подготовке в числе лучших отмечены ответы на поставленные вопросы рядовых И.Кузиева, Б.Абдурахмонова, Х.Кенжаева и О.Мурадова. Эти воины продемонстрировали блестящие знания и эрудированность по пройденным в течение зимнего периода обучения темам.

Успехам во многом способствует не только наличие хорошей учебно-материальной базы, но и профессиональный фактор. Занятия с личным составом здесь проводили подготовленные офицеры. Безусловно, повлияло и то, что занятия в течение учебного периода проходили организованно и в строгом соответствии с планом, на высоком методическом уровне, с поиском новых передовых подходов.

Подводя предварительные итоги, следует отметить и такой факт – повышение качества занятий по общественно-политической подготовке сказалось на укреплении воинской дисциплины в подразделении.

**Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара».**

Баҳорги чақирув-2006

## ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА, ХАВФУ ХАТАР ЙЎҚ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорида армияга кузатиш маросимларини кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, санъат аҳли иштирокида тантанали вазиятда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда Гулистон шаҳридаги «Хотира» майдонида баҳорги муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

Вилоят марказида қад ростлаб турган «Мотамсаро она» ҳайкали олдида қадамидан ўт чақнаб турган, алпомишкелбат сирдарёлик йигитлар юрт сарҳадларининг ҳимоясига отланди. Бўлғуси аскарларни кузатиш маросими катта тантанага айланиб кетди.

Маросимга вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ота-оналар ташриф буюришди.

Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Мухтор Эркаев тадбирни очиб, армия сафида хизмат қилишга отланган йигитларни қутлади. Ўзбекистон Олий Мажлиси сенатори, шоира Ҳаётхон Ортиқбоева Мирзачўл йигитларига ўз дил сўзларини изҳор этди.

**(Давоми 5-бетда).**




2 СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР — ТАЙЁРГАРЛИГИ ПУХТА



4 СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИГА — БУЮК САРКАРДАНИ ХОТИРЛАБ



5 БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ-2006 — ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА, ХАВФУ ХАТАР ЙЎҚ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ — НОДИР ДАРГОҲ БЕКАСИ

# ИККИНЧИ УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ –

## ВАТАННИ ШАРАФЛАЙДИ СИЗДЕК ЎҒЛОНЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳа, эзгу ниятда ўтқазилган кўчат бугун мева бераётгани кимни қувонтирмайди, кимни руҳлантирмайди. Енгил атлетика бўйича спорт усталигига номзод оддий аскарнинг юзларидаги ғалаба қувончи, ўз кучига ишончи, Умумармия ўйинларининг ҳар иккаласида-да сузиш бўйича муваффақият қозонган офицернинг ғалабага бўлган иродаси, нишонга бехато отиб, кўпчиликнинг ҳавасини келтирган ҳарбийнинг алпларга хос матонати... Спорт байрамидаги бундайин рекордлар, муваффақиятларни узоқ санаш мумкин. Энг муҳими — улар замиридаги муштарак туйғудир. Яъни ҳеч кимдан кам эмаслигини, ҳеч кимдан кам бўлмаслигини англатиб, юрак билан уриб турган туйғуни назарда тутяпмиз. Дарҳақиқат, ҳарбий спортчиларимизнинг биз таъкидлаётган матонатида, мустаҳкам иродасида, ғалабага бўлган ишончида ана шу туйғу мужассам эди.

Фикрларимизни мисоллар ёрдамида ҳам исботлаб беришимиз мумкин. Ҳарбий-спорт мажмуига кирувчи кўркураш беллашувида куч ёрдамида турникда машқ бажаришда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жамоаси вакили шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ўктам Тожиевнинг мусобақа рекордини ўрнатгани фахримиз, ғуруримиздир. Шунқор йигит машқни 150 марта бажариб, ҳамманинг ҳавасини келтирди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси вакили шартнома бўйича хизмат сержанти Михаил Соколовнинг (биринчи Умумармия ўйинларида ҳам чемпион бўлган) кураш бўйича беллашувнинг финалида 10 секундда «ҳалол» усули билан рақибининг курагини ерга теккизиб, чемпион бўлганини таъкидламасдан бўларканми?! Бир неча бор Қуролли Кучларимиз чемпиони бўлган, Умумармия ўйинларининг ҳар иккаласида ҳам тош кўтариш бўйича рекорд ўрнатган шартнома бўйича хизмат сержанти Валерий Коробковнинг (биринчи Умумармия ўйинларида 322 очко, иккинчисида эса ўз вазни тоифасида 450 очко жамғарган) мусобақа тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилгани кимни тўлқинлантирмайди, кимни ҳаяжонга солмайди, дейсиз. Ёки бўлмаса жамоа асосини Адҳам Турсунов, Жасур Чўллиев, Зайниддин Айтмуродов, Аҳрор Каримов сингари муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари ташкил этадиган Тошкент ҳарбий округи волейболчилари жамоасининг мусобақа чемпиони бўлгани, кучли рақибларнинг барини ортда қолдирганини посбонларимизда юқорида таъкидланаётган туйғунинг барқарор эканлигидан далолат эмасми?! Иккинчи бора ҳам Умумармия ўйинлари шоҳсупасидан ўрин эгаллаб, иккинчи бор Умумармия ўйинлари чемпиони номини олган, кўчма кубокни қўлга киритган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоасининг марду майдон алпларини ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган шунқорлар, дея баралла айтмасдан бўларканми?!

Мамлакатимиз терма жамоалари асосини ташкил этувчи армиячи спортчиларимизнинг улкан ютуқлари билан Ўзбекистон байроғини янада баланд кўтаришаётгани, демакки, Ўзбекистон номини дунёга янада кенг танитаётганини биламиз. Ишончимиз комилки, Умумармия ўйинлари орқали кашф этилган чемпионлар, ғолиблар ҳам ана шундайин шарафга муносиб бўлажак.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқ жоиз. Баркамол авлод тарбиясида ўзимизга мос ва ўзимизга хос йўлимиз бор. Миллий истиқлол ғояси фалсафий асосларининг аввалида комил инсонни тарбиялаш ётиши кўпчиликка маълум, Истиқлолга эришилган дастлабки йилларданоқ комил инсон тарбиясига устувор эътибор қаратиб келинаётгани бугун ўз самарасини бермоқда. Бунга Умумармия ўйинларининг ўзидан ҳам кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин.

Маълумки, жисмоний тайёргарлик жанговар шайликнинг муҳим омилларидан бири. Шундай экан, она юрт посбонларининг бу борадаги тайёргарликларида бўшлиқ бўлмаслиги керак. Бу ўринда асосан масъулият жисмоний тайёргарлик ва спорт хизмати бошлиқларига тушади. Барча қисм ва бўлинмаларда спорт шаҳарчалари, спорт мажмуалари, замонавий спорт тренажёрлари, хуллас, бугуннинг талабидаги шарт-шароитлар бор. Гап ана шу имкониятлардан мазкур хизмат бошлиқларининг унумли фойдаланиб, шахсий таркибни бу йўлда тўғри йўналтира олишида. Шу ўринда иккинчи Умумармия ўйинларида волейбол бўйича чемпион бўлган жамоанинг мураббийи ҳарбий қисм жисмоний тайёргарлик ва спорти бошлиғи, спорт усталигига номзод капитан Мирзоҳид Маъмуровнинг фикрларини келтириб ўтсак: «Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда спортга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Замон талабларига жавоб берувчи барча шарт-шароитлар бор. Гап посбонларимизни спортга қизиқтира билиш, соғлом турмуш тарзига йўналтира олишда. Ана шунда чемпионлар кашф этилади, посбонларимиз янада баркамол бўлади».

Юқоридаги фикримизни давом эттирган ҳолда шуни эътироф этиш жоизки, анъанага айланган ва иккинчи бора улкан тантана билан ўтказилган Умумармия ўйинлари миллий армиямизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги ишларнинг ўзига хос сарҳисобидир. Гап ғолиб, мағлубликда, муваффақият, муваффақиятсизликда эмас. Ахир, мусобақанинг устувор мақсади Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, оммавий спортни тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш борасидаги қарорларини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, бу билан уларнинг маҳорати ва жисмоний баркамоллигини ошириш, ҳарбийларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборат. Қолаверса, Умумармия ўйинлари орқали оммавий спорт ва катта спортни боғловчи бўғин ҳосил қилишдек мақсадни илгари сурганмиз.

Стадион узра шахдам-шахдам қадам ташлаб ўтаётган ҳарбий спортчиларимизга — Умумармия ўйинлари иштирокчиларига атрофдагиларнинг ҳавас билан қарашаётганини англадим. Ўйинларнинг ёпилиш тантанасига келган ҳарбий хизматчининг ўғли кўзларида «Асл паҳлавонлар Ватан ҳимоячилари бўлишаркан-да. Мен ҳам полвон бўламан, юртим ҳимоячиси бўламан», деган маъно мужассам. Шу кунларда муддатли ҳарбий хизмат сари отланаётган ўғлонга қараб эса «армияга борсам, мен ҳам сизлардек чемпион бўламан. Спортга ошно тутиниб, юртим байроғини баланд кўтараман», деган ҳавасни илғадим. Қаддингизни мағрур кўтаринг, нигоҳларингизни буюк келажак сари тикинг. Мустақиллигимиз, истиқлол ғояси, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари сизга куч беражак. Сизлар Президентимиз, халқимиз орзу қилган ўғлонлар — ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган авлодларсиз. Спортдаги, демакки баркамоллик йўлидаги ютуқларингиз билан юрт шонини янада кенг ёйишингизга ишонаман, дейман ич-ичимдан шахдам-шахдам қадам билан одимлаб, майдон узра бораётган ҳарбий спортчиларимизга.

**Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.**



**Майор Шавкат ТОЛИПОВ**, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари жамоаси вакили, иккинчи Умумармия ўйинларида офицерлар учкураши бўйича олтин медални қўлга киритди. Ёши тоифасига кўра учинчи гуруҳга кирувчи бу офицер пистолетдан нишонга отиш машқида рекорд натижага эришиб, 860 очко жамғарган. Айнан мерганлиги сабаб у олтин медалга сазовор бўла олди, дейиш мумкин.

Негаки сузиш, 1 километр масофага югуриш машқларидаги натижалари гуруҳда унча юқори бўлмаса-да, нишонга отишдаги натижаси ҳал қилувчи роль ўйнади.

– Умумармия ўйинлари жуда кўтаринки руҳда ўтди. Спорт биз ҳарбийларни янада яқинлаштирди, янада дўстлаштирди. Таъкидлашим лозимки, жамоамизнинг офицерлар учкураши бўйича иккинчи ўринни забт этишида айнан нишонга отиш машқида кўрсатган юксак натижаларимиз сабаб бўлди.

Умумармия ўйинлари чемпионлари

## МЕРГАНЛИК БОБИДА ТЕНГСИЗ



**Курсант Тўйчи ТОШБЕКОВ**, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоасидан. Енгил атлетика бўйича иккинчи Умумармия ўйинлари чемпиони.

– Ҳадемай офицер бўламан. Спорт байрами бўлган Умумармия ўйинларидаги иштироким курсантлик давримдан энг ёрқин хотира бўлиб сақланади. Қўшинларга борганимдан сўнг ҳам спорт билан шуғулланишга катта эътибор бераман. Офицер сифатида ҳам Умумармия ўйинларида чемпион бўлишга, юртим шарафини муносиб ҳимоялашга ҳаракат қиламан.



**Муддатли хизмат оддий аскари Дилшод ЧОРИЕВ**, кураш бўйича иккинчи Умумармия ўйинлари чемпиони. Дзюдо борасида халқаро тоифадаги спорт устаси, 2004 йилги Осиё чемпиони. Посбон Қашқадарёнинг Яккабоғ туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган.

– Армияга келиб, спортга бўлган эътибордан руҳландим. Қуролли Кучларимизда посбонларнинг жисмонан баркамол бўлишлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилган. Умумармия ўйинларидек нуфузли мусобақалар эса ҳарбийларнинг жисмоний тайёргарликларини ўзига хос синовдан ўтказувчи мезон экан.

Офицерлар учкураши

## СПОРТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ



Хабар қилинганидек, спортнинг мазкур тури бўйича иккинчи Умумармия ўйинларида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси чемпион бўлиб, кубокни қўлга киритди.

Умумжамоанинг бундайин ютуғида подполковниклар Сайфулло Эргашев, Садриддин Муҳиддинов, Шамил Нурматов, майорлар — Дилшод Шарипов, Евгений Мишутин, катта лейтенант Отабек Шерматовларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, подполковник С.Эргашев жамоасига кумуш медаль, катта лейтенант Отабек Шерматов эса бронза медаль билан ўз ҳиссаларини қўшишди.

– Биринчи Умумармия ўйинларида ҳам муносиб қатнашиб, ёшим тоифаси бўйича чемпион бўлганман. Спорт ёш танламайди, деган ақиданинг қанчалар тўғри эканлигини Умумармия ўйинлари орқали ҳис қиляпман, – дейди подполковник Эргашев.

Пировардида ушбу жамоага улкан-улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Суратда: аҳил жамоа ғалаба шодиёнасини сураётган пайт.

**Итолмас ҚУРБОНОВ.**

Волейбол

## ҒАЛАБА ШОДИЁНАСИ ПОЙТАХТЛИКЛАРДА

**Иккинчи Умумармия ўйинларига волейбол мусобақаси орқали старт берилганди. Спортнинг айнан шу тури билан эса ўйинлар ўз якунига етди.**



Беллашувнинг финал босқичи кутилганидек шиддаткор, кескин, муросасиз кечди. Тўғри, дастлабки икки партияда Тошкент ҳарбий округи волейболчилари ғолиб чиқиб, чемпионликка бир қадам қолганида, кўпчилик «ўйин тақдири ҳал бўлди», дея ўйлашди. Бироқ рақиблари — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси учинчи партияни ўз фойдаларига ҳал қилишганидан кейин, улар учун имконият пайдо бўлди. Афсуски самарқандликларнинг бироз асабий, бироз пала-партиш ҳаракатлари навбатдаги партияда рақибларига қўл келиб, пойтахт округи волейболчилари 3:1 ҳисобидаги ғалаба билан Умумармия ўйинлари чемпиони бўлишди.

Жамоа ғалаба шодиёнасига кўмилган лаҳзаларда улар ҳаяжонига шерик бўлишга ҳаракат қиламан. Жамоа мураббийи капитан Мирзоҳид Маъмуровни суҳбатга тортдим:

– Жамоамиз таркибини асосан муддатли ҳарбий хизматчилар ташкил этиши кишини қувонтиради. Қуролли Кучларимиз сафларига энг сара, соғлом, баркамол ўғлонлар олинаётгани, ислоҳотларимиз самара бераётганидан, бу. Қолаверса, жойларда она юрт посбонларининг жисмоний тайёргарликлари учун қулай, замонавий шарт-шароитлар яратилаётгани билан боғлайман. Энг муҳими, Умумармия ўйинлари ҳарбий хизматчиларда спортга бўлган қизиқишни тубдан ўзгартирганидир. Ана шу омилларнинг бари ғалабамиз гарови сифатида хизмат қилди, дея бемалол айта оламан.

Мусобақанинг бош котиби, Давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчиси Абдувоҳид Каримов ҳам финал ўйини якунидан сўнг ҳаяжонини боса олмади: «Очиғи, ҳарбийларимизнинг маҳоратига қойил қолдим. Бу ҳарбий жамоаларда спортнинг олимпия турларига ҳам катта эътибор берилишидан далолат. Ўйлайманки, бундайин нуфузли мусобақалар уларни янада тоблайди, чиниқтиради».

Демак, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси иккинчи, подполковник В.Гуров мураббийлик қилаётган жамоа учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолиб жамоага олтин медаллар, қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқлар тантанали равишда топширилди.

**Сафар АЛИЕВ.**

Гиревой спорт

## РЫЦАРИ «ЖЕЛЕЗНОЙ ИГРЫ»

**Команда ЧВТКИУ – 1-е место, ТВОКУ – 2-е место, СВВАКИУ – 3-е место. Таковы результаты соревнования по гиревому спорту в командном зачете Вторых Всеармейских игр.**

Во всех пяти весовых категориях (до 65 кг, 70 кг, 80 кг, 90 кг и свыше 90 кг) среди участников шла острая борьба. Оно и понятно, ведь от результата выступления каждого зависит и результат в общекомандном зачете. Поэтому представители каждой команды стремились выкладываться до конца, стараясь принести своему коллективу заветные очки.

Спортсмены выполняли два упражнения: рывок и толчок. Очки засчитывались в сумме двоеборья. Первыми на помост оспаривать главные награды по гиревому спорту вышли атлеты весовой категории до 65 кг. Здесь в основном упорная борьба развернулась между курсантами Хурсандом Тангриберганoвым (ЧВТКИУ) и Обидом Мукимовым (ТВОКУ). В толчке О.Мукимов был несколько сильнее соперника, он заработал 72 очка, а Х.Тангриберганов – 54 очка. Но зато Хурсанд проявил настоящий спортивный характер, когда соперники стали выполнять толчковые упражнения. В этой номинации Х.Тангриберганов сумел опередить своего соперника на 56 очков и с 212 очками против 174 очков О.Мукимова стал полноправным победителем. Бронзовую награду в этом весе завоевал курсант Фазылжон Ахраров (СВВАКИУ).

Бурными аплодисментами встретили любители «железной игры» выход на помост многократного чемпиона страны и Вооруженных Сил, мастера спорта международного класса сержанта по контракту Валерия Коробкова из Ташкентского военного округа. И он подтвердил, что действительно достоин этих зрительских аплодисментов. В сумме двоеборья В.Коробков в своей весовой категории до 70 кг набрал 450 очков. Его главный конкурент курсант Шерали Сафаров из ТВОКУ с 220 очками завоевал серебряную медаль. Младший сержант по контракту Абдурахман Хамидов из ЧВТКИУ «не дотянул» до второго призера, набрав в сумме двоеборья 218 очков, довольствовался бронзовой наградой.

Еще подряд два «золота» – в весовых категориях до 80 кг и до 90 кг завоевали представители ЧВТКИУ – курсант Бахром Хамидханов (310 очков) и лейтенант Андрей Зиновьев (522 очка). Это, кстати, предопределило, что в общекомандном зачете коллектив ЧВТКИУ по гиревому спорту занял первое место.

Что интересно, в весе до 80 кг «серебро» досталось представителю ТВОКУ старшему лейтенанту Носиру Назарову (300 очков), а «бронза» – старшему лейтенанту Акмалходже Шергозиеву (228 очков, тренер майор Р.Мадаминов). В следующей весовой категории – до 90 кг – «серебро» завоевал лейтенант Фозилджон Темиров (464 очка, тренер майор Р.Мадаминов), а «бронза» досталась лейтенанту Ойбеку Имомову (462 очка) из ТВОКУ.

Конечно, наибольшее количество очков в сумме двоеборья заработали атлеты, выступавшие в самой тяжелой весовой категории – свыше 90 кг. Лучший результат (530 очков) показал лейтенант Миркомил Хамдамов (тренер майор Р.Мадаминов). Он стал обладателем главной награды и золотой медали. Второе место и серебряную медаль завоевал лейтенант Уткир Музафаров (390 очков) из Восточного военного округа. И замкнул тройку призеров в этом весе младший сержант по контракту Николай Акиншин из СВВАКИУ.

О том, что соревнования прошли на высоком уровне, о росте спортивной квалификации атлетов говорит вот еще какой факт. Если на прошлых Всеармейских играх норматив кандидатов в мастера спорта выполнили 2 спортсмена, то на нынешних соревнованиях этот норматив выполнили уже 8 атлетов. Это Х.Тангриберганов, О.Имомов, Н.Назаров, Ф.Темиров, У.Музафаров, Б.Хамидханов, А.Зиновьев и М.Хамдамов.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,**
**мастер спорта.**

Енгил атлетика

## ОДДИЙ АСКАРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

**Иккинчи Умумармия ўйинларида енгил атлетика бўйича чемпионликни қўлга киритиб, кубокка сазовор бўлган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоасининг мураббийси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Денис Тян биз билан суҳбатда шундай деди:**

– Жамоамиз енгил атлетика беллашувларида муносиб қатнашди. Курсантлар Рифат Сафаров, Элдор Шокировлар жамоага кумуш медаль олиб келишган бўлишса, оддий аскар Ёдгор Ахматов олтин медаль соҳибига айланди. Шунингдек, умумжамоа ютуқларида катта лейтенант Андрей Орехов, курсант Собир Ўрозовларнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Умуман олганда, билим юртимизда спорт билан шуғулланишга қулай шарт-шароитлар муҳайё. Мураббийлар, мутахассислар ҳам ўзига хос малакага, тажрибага эга. Иккинчи Умумармия ўйинлари биз учун улкан сабоқлар ҳам берди. Билим юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада шакллантиришда нималарга эътибор қаратишимиз лозимлиги борасида хулосалар чиқардик. Қолаверса, спорт орқали дўстлар орттирдик. Умуман, Умумармия ўйинлари чин маънода спорт байрамига айланди.

**Ўз мухбиримиз.**



## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ



### ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Динарахон Ташпўлатова Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тиббиёт билим юртини фармацевтика соҳаси бўйича тугатиб, хусусий дорихонада бир неча йил касбий малакасини оширди. Бироқ бу билан чекланиб қолгани йўқ. Ўзининг қизиқувчанлиги, интилувчанлиги туфайли нақ Лондонга бориб инглиз тилини, компьютерни ўрганиш курсида таълим олди.

Бундан ташқари у кейинги йилларда косметология яъни аёлларни гўзаллаштириш фанини ўрганишга жиддий киришган. Ҳозир айни мавзуда дугоналарига бемалол маслаҳат бериши мумкин.

Келгуси орзуларга келсак, улар жуда кўп.Энг асосийси, намунали оила бекаси бўлиш, юртга муносиб ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказиш. Яна ўзининг хусусий дорихонасини очиб, кулар юзи, ширин сўзи билан халққа холис хизмат қилиш.

Ҳа, эзгу ниятлар ижобат бўлмасдан қолмайди. Эзгу ниятлар ҳаёт ҳақиқатига айланаверсин!

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

### В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Ростовчанин орнитолог Андрей Фарафонтов занимается разведением птиц более 30 лет. Сейчас в его коллекции 140 голов. Дамский лори занесен в Книгу рекордов Гиннесса как самый болтливый попугай. Тукан-Ариэль, или дятлообразный — единственный, кого научить говорить невозможно. Самый крупный попугай — красный ара. Длина птицы может достигнуть метра. При правильном уходе и заботливом отношении великан проживет в клетке до ста лет. Многие виды фазанов, уток, попугаев — единственные на юге России. И все привиты от гриппа. В коллекции есть и самая красивая птица в мире. Это утка-мандаринка. Много веков назад ее держали на прудах мандарины — китайские вельможи. Отсюда и название. Кстати, в философии фэн-шуй пара уток-мандаринок символизирует любовь и счастливый брак.

● На швейцарском озере Мелч появилась настоящая эскимосская деревня из 100 хижин-иглу. Ее построила группа энтузиастов, состоящая из 200 жителей кантона Обвальден под предводительством Ларса Киенитса, сообщает RBC. Все работы заняли у них 12 часов. Деревня-иглу, главная улица которой протянулась на 60 метров, имеет собственную церковь и даже центральную рыночную площадь. Строители утверждают, что это не просто бутафория, а настоящий городок, в котором можно жить, — во многих хижинах есть кухни, камины и даже ледяные кровати.

### ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Зулфия Юнусованинг ушбу шеърини бугун хизматга отланган ўғлонларимиз қўшиқ қилиб куйласа бўлади.

### АСКАР ҚЎШИҒИ

Бағрингдан узоқман, кўксингда фироқ,
Ватан сарҳадида бугун посбонман.
Биламан, кўзларинг йўлимга муштоқ,
Бу дам эл тинчига жон тиккан жонман,
Дуо қил, дуойинг нажотдир Она!

Минг бир машаққатлар
синар бардошим,
Қалбимга таянчдир Ватан ишончи.
Меҳрингдан қўр олгум мунис сирдошим,
Сенинг ризолигинг умримнинг тожи,
Дуо қил, дуойинг саботдир Она!

Боболардан мерос юртнинг ҳар гарди,
Мени ҳам ўстирди шу азиз тупроқ.
Товонларим ўпган шу замин халқи,
Энди менинг галим уни асрамоқ,
Дуо қил, дуойинг муроддир Она!

Жон дўстим тўйидир бугун қишлоқда,
Жўралар жам бўлган, давралар шодон.
Сезаман, ёш сизлар мунгли қароғда,
Дилингни эзади соғинчу ҳижрон.
Дуо қил, дуойинг тоқатдир Она!

Йигитлик шаҳдиму эрлик ориятим,
Сенгадир Она юрт – азиз остона.
Волидам, оқлабон чеккан заҳматинг,
Бағрингга қайтурман албат мардона,
Дуо қил, дуойинг ижобат Она!

## КАК ВЫ ХРАНИТЕ ВАШЕ ЗДОРОВЬЕ?

**1. Медицинские учреждения вы выбираете:**
а) по рекомендации родных и друзей;
б) руководствуясь рекламой, размещенной в средствах массовой информации;
в) пользуетесь в основном услугами близлежащей поликлиники.

**2. Часто ли вы обращаетесь к врачам?**
а) от одного до трех раз в год;
б) чаще трех раз в год;
в) реже раза в год.

**3. Помимо хорошего знания своего дела, от врача вы ждете:**
а) высокой ответственности;
б) понимания и сочувствия;
в) бюллетеня.

**4. Получив рекомендации доктора, вы:**
а) исполняете их беспрекословно;
б) подходите к его советам избирательно;
в) пытаетесь оспорить диагноз и доказать врачу, что он не прав.

**5. Как правило, за медицинской помощью вы обращаетесь:**
а) при первых признаках недомогания;
б) после продолжительного самолечения;
в) когда помочь в состоянии только неотложка.

**6. Занимаетесь ли вы профилактикой заболеваний?**
а) обязательно: регулярно хожу на медосмотры и делаю прививки;
б) время от времени, но в домашних условиях и народными средствами;
в) считаю это совершенно бесполезным делом.

**7. Какое из изречений вам наиболее близко:**
а) «Вначале болезнь легко вылечить, но трудно распознать, позднее легко распознать, но уже трудно вылечить».
б) «Один хороший доктор может, пожалуй, вылечить вас от болезни, но сразу несколько докторов вылечат вас от желания лечиться».
в) «Если человек скрупулезно займется исследованием своего организма, то непременно признает себя больным».



**За каждый ответ «а» начислите себе 1 балл, за ответ «б» — 2 балла, за ответ «в» — 3 балла. Суммируйте баллы и подведите итоги.**

**1 — 12 баллов. Вы очень серьезно, даже трепетно, подходите к вопросу вашего здоровья, главное здесь — не переусердствовать, иначе чрезмерная забота может перерасти в болезненную мнительность.**

**13 — 17 баллов. Вы обращаетесь к врачам только в случае крайней необходимости. Профилактику заболеваний вы проводите старыми добрыми дедовскими методами, а видя по телевизору рекламу многочисленных новомодных препаратов, излечивающих за неделю от всех болезней сразу, лишь снисходительно улыбаетесь, зная, что состояние здоровья зависит вовсе не от медицинского искусства, а от наших привычек и образа жизни.**

**18 — 21 балл. Мудрость гласит: «Человек, которому некогда заботиться о своем здоровье, подобен ремесленнику, которому некогда наточить свои инструменты». Делайте выводы.**

## ТРИ СОЛНЦА НА ГОРИЗОНТЕ

Жители Саратова наблюдали редкое атмосферное явление — утром одновременно три солнца поднялись из-за горизонта и некоторое время оставались на одной горизонтальной линии. Над средним светилом была еще и сияющая корона. Ученые говорят, что подобная «игра света» возникает в результате преломления солнечных лучей в кристаллических облаках из-за резкого похолодания. Такая уникальная картина более привычна для арктических широт, где зимой возможно даже появление радуги на небосклоне, эти явления являются предвестниками суровых морозов.





## ШЕЛК — НА ВЕЧНЫЕ ВРЕМЕНА

**Древняя торговая дорога, что еще во втором веке до н.э. связала Китай со Средиземноморьем, Восток с Западом, неслучайно получила имя Великий шелковый путь. Везли по ней тяжелогруженые караваны — шерсть и кожи, бронзу и фарфор, кобальт и благовония... Был среди всех товаров и тот, что нежнее и легче воздуха и ценился дороже самого золота — шелк. Искусные ткачи Бухары, Самарканда, Балха, Хамадана, Дамаска, Багдада изготавливали из шелка-сырца неповторимые по красоте ткани.**

Родиной шелка считается Китай. Однако исследования ученых республики позволяют сделать вывод, что шелководство и шелкоткачество были известны в Центральной Азии в глубокой древности, около 4000 лет назад, и развивались на территории Ферганской долины, в верховьях реки Заравшан и районах современного юга Узбекистана. Так, при археологических раскопках в районе Саполлатепа (Кашкадарьинская область) были обнаружены кусочки тканей, сотканных из натурального шелка. Находка датируется вторым тысячелетием до н.э.

Почему же такую высокую цену издревле имел натуральный шелк? Да потому что по красоте, легкости, носкости, гигиеничности ему нельзя найти замены. Одежды из шелковых тканей предназначались для самых торжественных случаев в жизни человека и служили символом богатства, роскоши.

Получают же натуральный шелк из нитей, вырабатываемых тутовым шелкопрядом. Человек давно одомашнил дикие виды этих гусениц и научился снимать урожаи завиваемых ими коконов. С каждого такого «шелкового домика», размягченного горячей водой, можно смотать нить длиной до 1500 метров. Конечно, в наше время размотка коконов, как и все шелководство и шелкоткачество, поставлены на научную и промышленную основу. Работают фабрики, комбинаты, имеется Научно-исследовательский институт шелководства. Достигнуты значительные успехи в создании новых пород и гибридов тутового шелкопряда, полученные от которых коконы конкурентоспособны на мировом рынке. Выведены и замечательные сорта шелковицы Сурх-тут, Узбекский, Бойсун и другие, дающие ежегодно с гектара по 10–15 тонн листа, чем заложена прочная кормовая база отрасли. Созданы мировые коллекции тутовых деревьев из 200 сортов и тутового шелкопряда из 180 пород и гибридов.

Проходят века. Но слава узбекского шелка не меркнет. По-прежнему наряжаются по праздникам наши женщины в платья из многоцветных, сверкающих атласов и хан-атласов. Да разве только жительницы Узбекистана! Законодатели мод многих стран мира проявляют интерес к нашему шелку, он победно шествует по всему земному шару.

### «ҚАНОТЛИ ИБОРАЛАР» ТАРИХИДАН

### БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

**«Бировнинг ноғорасига ўйнаш».** Бу ибора қадимги юнон тарихчиси Ҳеродотдан (милодга қадар бешинчи аср) мерос келмоқда. У ўзининг «Тарих» китобида бундай ёзади: «Эрон шоҳи Кир Мидияни босиб олганидан сўнг кичик осиёлик юнонлар маълум шартлар асосида унга бўйсунишини билдиради. Шартларни эшитиб, Кир уларга мана бу масални айтиб берган экан: «Бир сурнайчи балиқ тутиш илинжида денгиз соҳилига келиб, сурнай чала бошлабди. Сурнай овозини эшитган балиқлар ўз-ўзидан қуруқликка чиқади, деб хомхаёлга берилибди. Бу усулнинг фойдаси бўлмагач, денгизга тўр ташлаб, жуда кўп балиқ тутибди. Тўрда жонҳолатда ўйнаб ётган балиқларни кўриб: «Бас қилинглар, мен сурнай чалганимда ўйнамаган эдиларинг, энди ўйинга бало борми?» дебди. Чунки, Эрон шоҳи юнонларни куч билан бўйсундиришдан аввал уларга яхшилик билан таслим бўлишни таклиф қилган. Мағлубиятга учраган, ҳеч қандай шартларсиз ҳам Эрон шоҳи қўл остига ўтган бир шароитда, юнонларнинг «маълум бир шартлар» асосида бўйсунмоқчи бўлгани Кирнинг киноясига сабаб бўлиб, у юқоридаги масални айтган.

**«Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил».** Бундай усулни илк бор қадимги Рим сенати қўллаган. Ҳенрих Ҳейне 1842 йил 12 январь куни Париждан ёзган мактубида бу иборанинг муаллифи Македония подшоси Филипп (милодга қадар 359-336 йиллар) эканини айтган. Бу ибора кўп миллатли давлатларда миллатлар ўртасида сунъий равишда қарама-қаршилик туғдириш асосида сиёсат юритиш усулига нисбатан қўлланади. XIX асрда Англия мустамлакачилари Ҳиндистонда бу усулдан самарали фойдаланган.

**«Ўзингни англаб ет».** Афлотуннинг маълумот беришича, қадимги Юнонистоннинг етти донишманди – Фалес, Питтак, Биант, Солон, Клеобул, Мисон ва Хилон Дельфа шаҳридаги Аполлон ибодатхонасида учрашиб, «Ўзингни англаб ет» деган сўзларни ёзиб қолдирган. Бу фикрни Суқрот кенг қамровли тушунтирган ва шарҳлаган.

**«Биздан кейин дунёни сув босмайдими».** Дастлаб Франция қироли Людовик XV айтгани тахмин қилинади. Аммо ўша давр тарихчилари қиролнинг маҳбубаси маркиза Помпадур (1721-1764) Росбах ёнида қирол қўшинлари жангда мағлубиятга учрагандан сўнг, «Кўп азият чекманг, биздан кейин дунёни сув босса ҳам майли», деб қиролни овунтирган, деб ёзади. Худди шунга ўхшаш фикрни номаълум юнон шоири ҳам айтган: «Менинг ўлимимдан сўнг дунёга ўт тушмайдими».

### ТУРФА ОЛАМ

## ЖОНИВОРЛАР УЧУН РАДИО

Лос-Анжелесда уй ҳайвонлари учун мўлжалланган радио ишга тушди. Интернетнинг DogCatRadio.com сайти орқали фаолиятини бошлаган мазкур радио кунига 17 соат мобайнида ўз эшиттиришларини олиб бормоқда...

Ит, мушук ва тўтиқушлар учун мўлжалланган дастур Лос-Анжелес овоз ёзиш студияси вакили Мартинес Андриаининг лойиҳаси бўлиб, унинг фикрича, мусиқа уй ҳайвонларига хўжайини йўқ пайтларда ёлғизликни енгиб ўтишга ёрдам берар экан.

Эфирга узатилган қўшиқларнинг барчаси ҳайвонлар тўғрисида бўлиб, улар орасида Элвис Преслининг «Hound Dog» ва Baha Men гуруҳининг «Who Let the dogs out» қўшиқлари анча оммалашган.

Радио ишга тушар-тушмас, австриялик мухлислар эшиттиришлар дастуридан отлар учун ҳам махсус соатлар ажратишни сўраб DogCatRadio ишчиларига мурожаат қилишмоқда.

## ЯШИЛ «ТЕЗ ЁРДАМ»

Чилида фаолият бошлаган ғаройиб «тез ёрдам» хизмати ўз зиммасига ғоятда савобли вазифани олган. Мамлакат пойтахтидаги «SOS-экспресс» фирмасининг «тез ёрдам» машинаси мижоз қўнғироқ қилиши биланоқ зудликда етиб келади...

«SOS-экспресс» машинаси яшил рангда. У одатдаги «тез ёрдам» автомобилидан шуниси билан фарқ қилади. «SOS-экспресс»нинг мижозлари одамлар эмас, балки шикастланган, синган ёки бошқа бирор жароҳатланишга дучор бўлган ўсимлик, ўт-ўланлардир. Табиийки, «тез ёрдам»ни шифокор эмас, балки дов-дарахтларга малҳам қўядиган, уларни соғайтира оладиган боғбон беради.

